



## SOME PROBLEMS IN THE IMPLEMENTATION OF GOVERNMENT PROCUREMENT AND SOLUTIONS

Professor of the Department of “Economic and Social Sciences”, Acting, PhD (DSc), Associate Professor,  
Colonel of the Customs Service **Karimjonova Munavvar Ibragimovna**

Frugality. — Spend money only on things that will benefit me or others, that is, do not waste anything  
**Benjamin Franklin**

**Abstract:** This article highlights the importance of public procurement in the effective and targeted use of budget funds, as well as the analysis of the ambiguities in some normative legal documents adopted in relation to its implementation, as well as the analysis of cases of violations of the law in the implementation of public procurement, as well as scientific proposals and recommendations for its prevention.

**Key words:** public procurement, regulatory legal documents, tender documents, procurement process, cooperation opportunities, contract conclusion, financial control, disciplinary responsibility, conflict of interests, services and works, government customers, information and communication technologies, effectiveness of funds, buyers and participants.

### ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АЙРИМ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

*Тежамкорлик. — Пулни фақат менга ёки  
бошқаларга фойда келтирадиган нарсаларга  
сарфланг, яъни ҳеч нарсани исроф қилманг*

**Бенджамин Франклин**

**“Иқтисодий ва ижтимоий фанлар” кафедраси профессори в.б., п.ф.д (DSc), доцент, божхона  
хизмати полковниги Каримжонова Мунаввар Ибрагимовна**

**Аннотация:** Ушбу мақолада бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишда давлат харидларининг аҳамияти ҳамда уни амалга ошириш юзасидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ноаниқлар ҳамда давлат харидларини амалга оширишда қонунбузарлик ҳолатлари таҳлили ва уни олдини олиш борасидаги илмий таклиф ва тавсиялар ёритиб берилган.



**Калим сўзлар:** давлат харидлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, тендер ҳужжатлари, харид жараёни, коррупцион имкониятлар, шартнома тузиш, молиявий назорат, интизомий жавобгарлик, манфаатлар тўқнашуви, хизмат ва ишлар, давлат буюртмачилари, ахборот-коммуникация технологиялар, маблағлар натижавийлиги, харидор ва иштирокчилар.

**Аннотация:** В данной статье освещено значение государственных закупок в эффективном и целевом использовании бюджетных средств, а также проведен анализ неясностей в некоторых нормативно-правовых документах, принятых в связи с их реализацией, а также анализ случаев нарушений законодательство при осуществлении государственных закупок, а также научные предложения и рекомендации по их предотвращению.

**Ключевые слова:** государственные закупки, нормативно-правовые документы, тендерная документация, процесс закупок, возможности сотрудничества, заключение контрактов, финансовый контроль, дисциплинарная ответственность, конфликт интересов, услуги и работы, государственные заказчики, информационно-коммуникационные технологии, эффективность средств, покупатели и участники.

## Кириш

Бугунги кунда мамлакатимизда бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг манзиллийлигини таъминлаш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ва ижтимоий вазифаларни амалга оширишда муҳим омил сифатида қаралмоқда.

Мамлакат давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш уларнинг натижадорлигини ошириш ва мавжуд молиявий тизимни шакллантириш, уни барқарорлаштириш иқтисодий ўсишнинг асосий шартларидан биридир. Давлат харидлари давлат молияси тизимининг ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, бир томондан бюджет соҳаси самарадорлигига, иккинчи томондан эса, давлат бюджети маблағларининг мақсадли натижавийлигига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Давлат харидларини белгиланган норматив-меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибларда амалга оширилиши мамлакатнинг стратегик мақсадлари, вазифалари ва ривожлантириш давлат дастурларини ўз вақтида амалга оширилишини ҳамда давлат ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифатли ва тўлиқ бўлишини кафолатлайди.

Бу борада мамлакатимизда бир қатор меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, ундаги белгиланган вазифаларни амалга ошириш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-100-сон Фармони[3] қабул қилинган бўлиб айнан бюджет маблағларини самарадорлиги ошириш борасида бир қатор қуйидаги муҳим вазифалар белгиланган:



2024 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларига эришиш дастурларининг ижроси ҳар йили Ҳисоб палатаси томонидан баҳолашдан ўтказилади ҳамда натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳисобот киритилиши;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан ҳудудларга тақсимланган маблағлар бўйича маълумотларни тегишли халқ депутатлари Кенгашларига тақдим этиши ҳамда маҳаллий Кенгашларининг ҳудудларга Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларидан ажратилаётган маблағлар бўйича сўрови ва назорати йўлга қўйилиши;

ҳар чорақда Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган назорат тадбирлари яқунлари бўйича тақдим этилган ахборотлар Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида муҳокама қилиб борилиши;

ички назорат тизимлари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

2025 йил 1 январдан бошлаб молиявий ва бошқа хавфларнинг олдини олиш учун устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган йирик ташкилотларда уларнинг биринчи раҳбарлари бошчилигида коллегия асосда “Хавфларни бошқариш” кўмиталари тузилиши каби муҳим вазифалар белгиланган.

Шунингдек, бюджет маблағларидан бюджет ташкилотларининг тўғри фойдаланиши мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни[2] қабул қилинган. Ушбу Қонун асосида давлат буюртмачиларининг товарларга, ишларга ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёнининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини амалга ошириш шакли бўйича амалга ошириладиган муносабатларни нормалар асосида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон Қарори[6] билан эса, давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усулларини амалиётга жорий этиш борасидаги тартиб-таомиллари белгилаб берилган.

Бироқ, бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар тизимида зарур товар, хизмат ва ишлар билан ўз вақтида, керакли миқдорда ва турда, сифатда ҳамда нархларни таъминлашдан ташқари рақобат муҳитини амалга оширишда ечимини топиш керак бўлган айрим муаммоли масалларни ҳал этишни тақозо этмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**





Давлат харидлари соҳаси ҳар бир давлат иқтисодиётининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида кўрсатилган еттинчи йўналишида “Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида” бир қатор муҳим вазифалар белгиланган[4]. Амалга оширилаётган ислохотларда белгиланган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш учун давлат харидлари тизимини такомиллаштириш

ва давлат харидларини ташкил этишда замонавий механизмни жорий қилиш муҳим ўрин тутди. Шундай экан, давлат ва корпоратив харидларнинг назарий жиҳатларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш орқали давлат секторининг товар (иш, хизмат)ларга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида ва мақбул нархларда, арзон ҳамда сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш масаласи доимо долзарб вазифалардан бири бўлиб қолади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунининг 4-моддасида “давлат харидлари - давлат буюртмачиларининг товарларга, ишларга ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёни” дея таъриф берилган[2].

“Давлат ва корпоратив харидлар” тушунчасининг моҳиятига иқтисодчи олимларнинг турлича ёндашувлари мавжуд. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Вахабов, Н.Жумаев, Э.Махмудов, Т.Атамурадов, Т.Эшназаров, Г.Қосимова, З.Срожиддинова, Д.Пулатов, М.Ҳайдаров, М.Оллоёров, Ж.Умаров, У.Ўроқов, Д.Гафуров, Д.Қосимов, С.Турабов Т.С.Маликов У.А.Бурхонов, Б.И.Нурмухамедова, А.К.Ибрагимов, Н.Х.Ҳайдаров, С.У.Умурзаковларнинг илмий ишларида давлат молиясини бошқариш ва бюджет маблағларини назорат қилиш, шунингдек, давлат харидларни такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Ушбу жараённи бошқариш ва мониторинг қилиш юзасидан иқтисодчи олимлар Д.Пулатов, У.Бурханов, Т.Атамурадов, Б.Нурмухамедова, С.Умурзаковлар чуқур илмий изланишлар олиб боришган. Маҳаллий иқтисодчи олим У.Бурхонов томонидан давлат харидларига қуйидагича таъриф берилган: давлат харидлари – бу “давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган товарлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатилган хизматларни, яъни давлат хариди давлат эҳтиёжлари учун товар (иш, хизмат)ларни қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари эвазига сотиб олиншидир” деб ўзларининг илмий қарашларида эътироф этилган.



## Таҳлил ва натижалар

Давлат харидлари соҳаси самарали давлат бошқарувини ташкил этиш ва мамлакат миқёсида кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган йўналишлардан бири ҳисобланади.

Давлат харидларининг вазифалари давлат бошқаруви фаолияти учун зарур товар, хизмат ва ишлар билан ўз вақтида, керакли миқдорда ва турда, сифатда ҳамда нархда таъминлашдан ташқари рақобатни ривожлантириш учун давлат харидларига кўпроқ тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундашдан, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва иқтисод қилишдан иборатдир. Бу вазифаларни амалга ошириш орқали мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳамда ижтимоий соҳадаги ижобий ўзгаришларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлади.

Давлат харидлари бозор элементи ҳисобланиб, унинг ёрдами билан иқтисодиётнинг турли соҳаларида маблағларни тақсимлаш ва самарадорлигини ошириш содир бўлади. Бу эса давлат харидлари соҳасига эътиборли бўлишни ва уни ривожлантиришни талаб қилади, бунда албатта тизимли ёндашув зарур.

Шу боис, давлат секторининг товарлар, иш ва хизматларга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида ва мақбул нархларда, арзон ҳамда сифатли маҳсулотлар билан таъминлашнинг давлат харидлари асосида ташкил этишнинг аҳамиятли жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат (1-жадвал).

Т/р	Йўналишлар	Аҳамият ва натижа
1	<i>Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш</i>	давлат харидлари орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш имконияти яратилади; янги иш ўринларини яратиш имконияти кенгайди; маҳаллий корхоналарнинг ривожланишига ёрдам бериш учун асос яратилади
2	<i>Рақобат муҳитини яратиш</i>	тендер савдолари орқали шаффоф рақобат муҳитини шакллантиришга эришилади; сифатли маҳсулот ва хизматларни танлаш имконияти ортади; нархларнинг оптималлашуви таъминланади
3	<i>Инновацион ривожланиш</i>	янги технологияларни жорий этишни рағбатлантириш имкониятига эришилади;



		илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш учун қулайликлар таъминланади; замонавий ускуналар харид қилиш орқали ишлаб чиқаришни модернизация қилишга эришилади
4	<b><i>Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш</i></b>	харажатларни оптималлаштириш таъминланади; давлат харидларининг шаффофлигини таъминлаш орқали маблағларнинг манзиллийлиги ортади коррупцияга қарши курашишда самарали восита ҳисобланади
5	<b><i>Тармоқлараро алоқаларни мустаҳкамлаш</i></b>	турли соҳалар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш таъминланади янги бизнес алоқаларини ўрнатиш учун кенг имкониятлар очилади етказиб бериш занжирларини такомиллаштиришга эришилади
6	<b><i>Иқтисодий барқарорликни таъминлаш</i></b>	давлат буюртмалари орқали ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш таъминланади иқтисодий инқироз даврида қўллаб-қувватлаш воситаси сифатида фойдаланиш имконияти яратилади стратегик аҳамиятга эга тармоқларни ривожлантиришга эришилади

Таъкидлаш жоизки, Республикамизда давлат харидлари тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш мақсадида ислохотлар ўтказишга катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон – 2030 стратегиясининг 46-бандида[4] фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш йўналишида қуйидаги бир қатор муҳим вазифаларни амалга оширишни тақозо этади (1-расм).



консолидациялашган  
бюджет  
тақчиллигини  
2024 йилда ялпи ички  
маҳсулотга нисбатан  
4 фоиздан ва келгуси  
йилларда  
3 фоиздан паст  
бўлган миқдорда  
бўлишини  
таъминлаш

«Натижага  
йўналтирилган  
бюджетлаштириш»  
амалиётига ўтиш.

Маркировкалаш ва  
рақамлаштириш  
тизими самарасини  
ошириш ва  
кенгайтириш  
орқали солиқ  
маъмурчилиги  
тизимининг  
самарадорлигини  
янада ошириш

Давлат-хусусий  
шериклик асосида  
амалга  
ошириладиган  
лойиҳаларни даром  
адлилиги ва Давлат  
бюджетига юқини  
инобатга олиб,  
уларни  
таснифлаш ҳамда  
лойиҳа  
йўналишлари  
бўйича бошқариш  
тизимини жорий  
этиш

## 1-расм. Ўзбекистон – 2030 стратегиясида фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш йўналишидаги асосий вазифалар

Шунингдек, ушбу фармоннинг 1-илоvasи 89-банди “Коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш” [5] йўналиши бўйича бир қатор давлат харидлари борасида амалга ошириш зарур бўлган долзарб вазифалар жумладан (2-расм)






Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини **2 баробарга** камайтиришга эришиш



Давлат харидларини тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширишда маблағларни **талон-торож қилиш ҳолатлари, товар ва хизматларнинг нархи бозор қийматидан ошиб кетишининг олдини олиш** бўйича жамоатчилик назоратини тўлақонли жорий қилиш

## 2-расм. Ўзбекистон-2030 стратегиясида давлат харидлари борасида қонун бузилиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган вазифалар

Таъкидлаш жоизки, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун асосида харидларнинг беш тартиб-таомили яъни тури белгилаб берилган (3-расм).



## 3-расм. Давлат харидлари тартиб-таомили турлари

Булардан иккитаси электрон дўкон ҳамда бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион давлат хариди бўйича қарор қабул қилишда инсон омилини буткул инкор этади. Қолган харид тартиб-таомиллари шаффофлиги махсус ахборот порталида зарур ахборот чоп этиш йўли билан таъминланган.







Бироқ бугунги кунда кўпгина мамлакатлар давлат харидларининг таҳлили натижасига кўра, харид турини танлашга давлат буюртмачисининг, харид иштирокчиларининг кутилаётган сони, давлат шартномасининг қийинлиги ва сиёсий рақобат даражаси таъсир кўрсатади. Масалан, агар буюртмачи мураккаб товар ёки хизматни харид қилмоқчи бўлса, унга аукционга қараганда, музокаралар ўтказиш фойдалироқ бўлади, яъни харид тартиботларининг турини танлашига боғлиқ бўлади. Бир нечта кўрсаткичлар бўйича ғолибни танлаш битта кўрсаткич бўйича аукцион ўтказишга қараганда, рақобатни чеклашга кўплаб имкониятлар беради. Кўп ўлчовли аукционлар иштирокчиларининг қатор кўрсаткичлари, масалан, нарх ва етказиб бериш муддатлари бўйича рақобатлашишларини кўзда тутаяди. Кўрсаткичлар учун баллар маълум улушларда йиғилади ва энг юқори балл тўплаган иштирокчи аукцион ғолиби бўлади.

Буюртмачи томонидан аукционда найранг қилиш усули мавжуд имкониятлари бир хил бўлмаган оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин.

Буюртмачига кенг коррупцион имкониятлар яратиб бериш баробарида иқтисодий самарадорликни пасайтириш оқибатларига ҳам олиб келиш эҳтимоли мавжуд.

Бугунги кунда давлат харидлари тизимидаги асосий муаммоларни кўриб чиқамиз (4-расм).





#### 4-расм. Давлат харидларини амалга оширишдаги асосий муаммолар

Таъкидлаш жоизки юқоридаги муаммолардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси маълумотларига кўра, 2021 йилда давлат харидлари жараёнида 763 та ҳолатда 971,1 млрд. сўмлик манфаатлар тўкнашувига йўл қўйилган. Қурилиш соҳасининг ўзида эса 3,5 трлн. сўмлик тендер савдоларида қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган.

О.Падалканинг фикрига кўра, давлат харидлари соҳасига замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали давлат эҳтиёжи учун товар (иш, хизмат)ларни харид қилишда давлат маблағларининг самарадорлиги ва харидларнинг шаффофлигини таъминлашга кўмаклашиш, харидларни амалга оширишда коррупция даражасини камайтиришга эришиш мумкинлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Бироқ, давлат харидларини амалга оширишда коррупцион ҳолатлар ҳам аниқланмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан давлат харидлари соҳасида 2021 йилда ўтказилган масофавий мониторингда бюджет буюртмачилари томонидан қиймати 145,3 млрд. сўмлик 452 та танловда “Давлат харидлари тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги қонунларнинг талаблари бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланиб, коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф қилишга қаратилган 372 та тақдимнома киритилган.

*Маълумот учун: 2022 йилда 197 та тақдимнома, 174 та сўровнома юборилган, натижаси бўйича 35 та жиноят иши ва 74 та маъмурий ишлар қўзғатилган, 14 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган. Давлат харидлари бўйича 119 та ҳолатда 360,9 млрд сўмлик қонун бузилишларига йўл қўйиб амалга оширилган давлат харидлари бекор қилинди.*



Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат фаолиятини ташкил этишда соғлиқни сақлаш, олий таълим, қурилиш, давлат харидлари ва банк соҳаларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаларини амалга оширишда белгиланган чора - тадбирларнинг ижроси таъминланишига алоҳида эътибор қаратилган. Давлат харидларининг қонунийлиги юзасидан ўтказилган 2023 йил мобайнида 384 та текширишлар бўйича 2 трлн сўмлик қонунбузилиши ҳолатлари аниқланган. Давлат харидлари соҳасида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини турлари бўйича қуйидаги таснифи келтирилган (5-расм).



**5-расм. Давлат харидлари соҳасида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини турлари бўйича таснифи**

Таҳлил натижаларига кўра, ушбу соҳаларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти самарали ташкил этилмаганлиги, аҳолига давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча бюрократик тўсиқлар ўрнатилганлиги, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупция омилларининг мавжудлиги, давлат харидларини амалга оширишдаги қонунбузилиши ҳолатлари ҳамда





рақамлаштириш ишларининг етарли даражада эмаслиги коррупция омилларининг сақланиб қолишига сабаб бўлаётганлиги аниқланган.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонининг 89-мақсадида[5] коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган мақсадли кўрсаткичлар белгиланган (6-расм):



“Transparency International” халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинадиган Коррупцияни қабул қилиш индексида камида 50 поғонага кўтарилишига эришиши



Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини 2 баробарга камайитиришига эришиши



Давлат харидларини тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширишда маблағларни талон-тороғ қилиш ҳолатлари, товар ва хизматларнинг нархи бозор



Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг 100 фоиз коррупциядан ҳоли қонунчилик тамойили асосида ишлаб чиқишини таъминлаш

## 6-расм. Давлат харидлари бўйича мақсадли кўрсаткичлар

Шу боис, давлат харидларини амалга оширишда ноқонуний фаолият ва коррупция ҳолатларини олдини олиш ва унинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиб, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу борада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш услубиёти[7] тасдиқланган ва ушбу услубиёт Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 октябрь куни 3470-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қарама қаршилиқларнинг мавжудлиги шунингдек, уларда нормаларининг бир бирига зид бўлиши турли хил тушунмовчиликларнинг юзага



келишига олиб келади. Шунинг учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормалари ўзаро мувофиқ бўлиши лозим.

Жумладан, Ҳукумат қарори билан тасдиқланган намунавий ҳужжатларга мувофиқ тендер таклифларини очиш тендер эълон қилинган санадан бошлаб 10-15 кундан кейин бўлиб ўтади. “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунда[2] ушбу муддат 30 - 45 кунни ташкил қилади.

Муаммо шундан иборатки Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Қонунда икки хил муддат белгиланганлиги, ижрочиларнинг ўзларига қулай бўлган муддатда иш юритишига ҳамда зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланишига олиб келади.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланган муддатларни Қонунга мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ.

## Хулоса ва таклифлар

Давлат харидларининг иқтисодиётга таъсири, аввало, ички иқтисодиёт сиёсатдан келиб чиққан ҳолда қаралса, у авваломбор, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни, кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан амалга оширилаётган харидлар тизими орқали бажарилади. Ўз навбатида, кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишга олиб келади, рақобатбардош маҳсулотларга

бўлган талабни шакллантиради. Давлат харидлари бюджет харажатларининг катта қисми ҳисобланиб, давлат эҳтиёжларни таъминлаш учун маълум функцияларни бажарган ҳолда рақамли иқтисодиётни самарали, барқарор ривожлантириш учун имкониятлар яратади. Шунинг учун ҳам давлат буюртмачисининг манфаатлари жамият манфаатлари билан мос келиши зарур.

Юқоридаги омилларни бартараф этишда коррупцияга қарши курашиш борасидаги ислохотларни изчил давом эттириб, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ вакиллари ва кенг жамоатчиликни ушбу иллатга қарши кураш олиб боришда кучли жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали жалб этиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Бизнинг фикримизча, бу борада Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши ва ҳудудий кенгаш аъзолари коррупцияга қарши курашувчи органлар ўртасида ҳамкорликни самарали ташкил этиш, давлат органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонуни. ЎРҚ-360-сон. 26.12.2013. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й. №52-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 22 апрелдаги ЎРҚ-684сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни.



3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-100-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони. 2023 йил 11 сентябр.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш услубиётини тасдиқлаш ҳақида”ги 17-мх-сон-буйруғи. 2023 йил 31 октябрь.
8. <http://gnkc.uz/news/davlat-haridlari-nima.html>
9. <http://e-journal.uz/2021/04/>.
10. <https://lex.uz/docs/6600413>